



## ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Мансур Ҳалмурзаев**  
СамДУ, доцент, и.ф.н.  
*E-mail: Xolmansur@gmail.com*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мавзунинг долзарбилиги, аҳамияти, ҳукуматимиз томонидан қўйилган кўрсатмалар ва глобал иқтисодий тараққиёт асосида баён этилади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида макроиқтисодий кўрсаткичларининг динамикаси иқтисодий таҳлил қилинади. ЯИМ ҳисобга олишдаги ижобий жиҳатлар ва салбий камчиликлари ифодаланади.

**Калит сўзлар:** Ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, соф ички маҳсулот, миллий даромад, миллий ҳисоблар тизим, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот.

**Аннотация:** В данной статье отражается актуальность и значимость темы, исходя из установок нашего правительства и мирового экономического развития. С экономической точки зрения анализируется динамика макроэкономических показателей Республики Узбекистан в годы независимости. Выражены положительные и отрицательные стороны учета ВВП.

**Ключевые слова:** Валовой внутренний продукт, валовой национальный продукт, чистый внутренний продукт, национальный доход, система национальных счетов, валовой внутренний продукт на душу населения.

**Abstract:** This article reflects the relevance and significance of the topic, based on the guidelines of our government and global economic development. From an economic point of view, the dynamics of macroeconomic indicators of the Republic of Uzbekistan during the years of independence are analyzed. The positive and negative aspects of GDP accounting are expressed.

**Keywords:** Gross domestic product, gross national product, net domestic product, national income, system of national accounts, gross domestic product per capita.

### Кириш

Ҳозирги кунга қадар мамлакат миқёсида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) макроиқтисодий кўрсаткичларнинг энг асосийларидан бири бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш салоҳиятини мутлақ миқдорларда акс эттиради.

Ушбу кўрсаткичнинг асосий моҳияти тўғридан-тўғри мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган (истеъмол қилинган) барча якуний товарлар ва хизматларнинг бозор нархларида ёки жорий нархлардаги қиймати билан аниқланади. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳисоб-китобларда фақат якуний (бевосита

истеъмол учун мўлжалланган) маҳсулот ва хизматлар эътиборга олинади, мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқарган шахсларнинг миллий мансублиги, мамлакат резиденти ёки норезидентлиги эътиборга олинмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Жаҳон тажрибасини пухта ўрганиб, ҳалқаро эксперталарни жалб этган ҳолда, монетар сиёсатни такомиллаштириш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқишимиз зарур. Ўтиш даврида иқтисодиёт соҳасида статистик ҳисоботларни тўғри юритиш ва давлатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаш жуда муҳимдир. Шу орқали ялпи ички маҳсулотни холисона баҳолашга эришиш мумкин. Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва Ҳалқаро валюта фондининг Миллий ҳисоблар тизимини республикамиизда 2020 йил 1 январдан бошлиб тўлиқ жорий этишимиз лозим”<sup>1</sup> деб қайд этишлари негизда ялпи ички маҳсулотни ҳисоблашнинг методологик асосларини такомиллаштиришни тақазо этади.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Бизга маълумки ҳозирги кунда ЯИМ қўрсаткичи мамлакат иқтисодий тараққиётини ўзида акс эттирувчи макроиктисодий қўрсаткичлардан асосийси ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий аҳволини ўзида намоён қилувчи бу қўрсаткични аниқлаш, ҳисоблаш, таҳлия қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Қўйида жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларнинг ЯИМнинг мазмун, моҳияти, аҳамияти ва ҳисоблаш услубиятига илмий қарашларини келтириб ўтамиз. Жаҳон иқтисодиётидан ЯИМ иқтисодий категория сифатида турили хил ёндашувлар мавжуд ва шу асосида таҳлил этилиб, унинг хусусиятларини очиб беруви илмий фикрлар билдирилган. Жумладан, АҚШлик олим П.Самуэльсон: “ЯИМ – мамлакат миқёсида товарлар ва хизматлар ялпи ишлаб чиқариш ҳажмини нисбатан тўла акс эттиради. У жорий йилда мамлакат миқёсидаги истеъмол, ялпи инвестиция, давлат харидлари ва соф экспортларнинг қиймат ҳисобидаги суммасига teng”<sup>2</sup> деб ўзининг қарашларини ифода этган.

Россиялик С.С.Носова эса “ЯИМ – бу ишлаб чиқариш омилларининг миллий иқтисодиётга тегишидан қатъий назар бир йил мобайнида мамлакат ҳудудида иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган, истеъмол, экспорт ва жамғаришга мўлжалланган барча охирги товар ва хизматларнинг бозор қийматидир”<sup>3</sup> деб такидлайди.

Россиялик иқтисодчилардан яна бири В.В. Золотачук ЯИМни иқтисодиётда товар ва хизматларни тақорор ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлайди ва “ЯИМ маълум вақт оралиғида иқтисодиётда яратилган қўшилган қийматларни йиғиндиси сифатида ҳисобланади ва бозор нархларидаги барча маҳсулотлар ва оралиқ маҳсулот ўртасидаги фарқقا teng”<sup>4</sup> деб баён этади.

Т.А.Агапова, С.Ф. Серёгиналар ҳам ЯИМ тўғрисидаги фикрларини қуйидагича ифодалайдилар: “ЯИМ - мамлакат резидентлари томонидан маълум

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М.2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

<sup>2</sup> Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. Экономика. Пер с анг.– М: Инфра –М, 2000. 442 с.

<sup>3</sup> Носова С.С. Макроэкономика. Учебное пособие – М: КНОРУС. 2014. 33 с.

<sup>4</sup> Золотачук В.В. Макроэкономика. Учебник. – М: Инфра –М, 2014. 107 с.

муддат давомида ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматлар бозор баҳосининг умумий йифиндисидан иборат... Миллий тегишлилиги ва фуқаролигидан қатъий назар, мазкур мамлакатнинг ҳудудида иқтисодий манфаат марказига эга бўлган (ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган, мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ яшаётган) барча иқтисодий бирликлар (корхоналар, уй хўжаликлари) резидент ҳисобланади”<sup>5</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Б.К.Фойиназаров ўз асарларида “Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) деганда мамлакат бўйича яратилаётган маҳсулот ва даромадларни ҳисоблаш услубияти бўлиб уларнинг ҳосил бўлиши, тузилиши, тақсимланиши ҳамда фойдаланиш жараёнларини ифодалайдиган жамлама иқтисодий кўрсаткичлар тизими ҳисобланади. Бу тизим республика ижтимоий-иктисодий ҳаётининг барча жабҳаларини ўрганиш, таҳли қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилашга хизмат қиласди”<sup>6</sup> деган фикрни баён этади.

Шунингдек, И.А. Маткаримова “Ялпи ички маҳсулот деб, мазкур мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар (резидентлар) томонидан пировард истеъмол учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати тушунилади. Бу ерда корхоналарни қайси мамлакатга тегишли эканлиги ҳисобга олинмайди”<sup>7</sup> деган фикрни илгари суради.

ЯИМни якуний истеъмол ёки харажатлар бўйича ҳисоблаш услубиятларидағи фарқни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Қ.Қ.Мамбетжанов “ЯИМни харажатлар усули бўйича ҳисоблагандага уй хўжаликлари, давлат ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат (ижтимоий) ташкилотларнинг пировард истеъмол учун қиласди барча харажатлари умумлаштирилади. Бундан ташқари ялпи жамғарма, товар ва хизматларнинг экспорт-импорти қолдиги ҳам ҳисобга олинишига”<sup>8</sup> эътибор қаратади.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан яна бири Н.И. Рустамов “Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичи мамлакат иқтисодиёти ўсишини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У мамлакат ҳудудидағи корхоналар томонидан барча ишлаб чиқариш омиллари ёрдамида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бозор қийматидаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими (МХТ) асосида ҳисоблаб чиқиласди. Миллий иқтисодиётда асосий макроиктисодий кўрсаткич сифатида ЯИМ ёки ҳатто ялпи миллий даромад ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, АҚШ ва Японияда ялпи ички маҳсулот эмас, балки ялпи миллий даромад асосий макроиктисодий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо, БМТ томонидан ишлаб чиқилган МХТда ЯИМ бирламчи кўрсаткич бўлиб хизмат қиласди. Миқдор жиҳатдан булар ўртасида тафовут унчалик катта эмас: ривожланган мамлакатларда бу фарқ бир фоиздан ошмайди. Фақат чет элларда ишловчи фуқаролардан

<sup>5</sup> Агадова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник.-7-е изд.перераб. и доп. -М: Дело и сервис, 2007. 25с.

<sup>6</sup> Фойиназаров Б.К. “Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишининг илмий-методологик асослари (статистик аспект)” и.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Т.:ТДИУ.2006. -32 б.

<sup>7</sup> Маткаримова И. А. Ялпинчкимахсулотхажмини баҳолашусуллари (миллийҳисоблартизимиасосида) // Молодой ученый. – 2017. – №16.2. – С. 16-19. – URL <https://moluch.ru/archive/150/42520/>.

<sup>8</sup> Мамбетжанов Қ.Қ.Ялпи ички маҳсулотни харажатлар бўйича ҳисоблаш усулини такомиллаштириш йўллари // Иқтисод ва молия Т.:2017, 9-12 б.

тушадиган даромадлар салмоқли бўлган мамлакатларда бу фарқ катта бўлиши”<sup>9</sup> мумкинлигини билдиради. Бундай фарқнинг катталиги ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Тожикистон, Қирғиз Республикаси ва Ўзбекистон иқтисодиётида катта ҳиссани ташкил этади.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини баҳоловчи мазкур кўрсаткич мамлакат иқтисодий жараёнини, барқараор иқтисодий ривожланиш даражасини, иқтисодий ўсиш суръатларини (шу жумладан халқаро қиёслашларда) тавсифлаш учун қўлланилади. ЯИМ иқтисодий фаолиятнинг кўпгина соҳаларини, мисол учун ЯИМ ва бюджет танқислигининг ўзаро нисбати асосида фискал сиёсатни таҳлил қилиш мақсадида, ЯИМ ва ишлаб чиқаришда истеъмол қилинган энергетик ресурслар ҳажмининг ўзаро нисбати асосида энергия ресурсларининг фойдаланиш самарадорлигини ва бошқаларни таҳлил қилиш борасида қўлланилади.

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ)нинг статистика хизмати бўлими тури мемлакатларнинг иқтисодий ҳолатини Миллий ҳисоблар тизими (МХТ)да ифодалаш учун жами ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида ЯИМдан фойдаланишни тавсия этади. Бу ҳолда қуйидаги талабларга амал қилиниши зарурлиги қайд этилади:

қиёсланадиган кўрсаткичлар бир хил календаръ даврларига ёки йилларга тегишли бўлиши лозим;

ЯИМни ҳисоблаш усули бир хил бўлиши керак;

Қиёсланадиган маълумотлар миллий валюталарнинг харид қобилияти паритетини ҳисобга олган ҳолда бир хил пул бирликларида ифодаланиши зарур.

Жаҳон миқёсида МХТ нуқтаи-назарига мувофиқ, одатда ЯИМни баҳолаш ёки ҳисоблаш учта усулда амалга оширилади:

- 1.Ишлаб чиқариш (кўшимча қиймат бўйича),
2. Якуний истеъмол (харажатлар бўйича)
3. Тақсимлаш (даромадлар бўйича) усули.

Ўзбекистонда шулардан асосан иккита усулидан – ишлаб чиқариш ва харажатлар бўйича ҳисоблаш усулидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 1 апрелдаги З-сонли қарорига асосан Ялпи ички маҳсулотни (харажатлар бўйича) якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услугбий низом тасдиқланган, 2016 йил 29 июндаги 9-сонли қарорига биноан Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича услугбий низом тасдиқланган ва амалда қўлланиб келинмоқда. ЯИМни харажатлар бўйича ҳисоблаш усулида статистик кузатув бирликлари бўлиб, уй хўжаликлари, давлат муассасалари ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари ҳамда “Ташқи (қолган) дунё” норезидентлари ҳисобга олинади.

1. <sup>9</sup> Рустамов Н.И.Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи тўғрисидаги илмий назариялар ва унинг ҳисобланишига доир мулоҳазалар. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 йил.

Аммо, ҳозирги вақтда ЯИМдаги ижобий кўрсаткичлар билан биргаликда ўз аксини топмаган бошқа долзарб масалалар ҳам бор, бу борада мақоланинг сўнгида фикрларимизни билдирамиз.

**Тадқиқот методологияси.** Умимиий олиб қараалганда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) мобайнидаги умумий иқтисодий натижаларини тавсифлайдиган макроиқтисодий кўрсаткич. Мамлакатнинг ички ҳудудида жойлашган барча корхоналар (хорижий ва қўшма корхоналари ҳам шулар жумласига киради) томонидан жами ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидағи ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий хисоблар тизими услублари асосида ҳисоблаб чиқилади. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини макродаражада тавсифлаш ва таҳлил этишда қўлланилади.

Бундан ташқари, миллий статистикада асосий макроиқтисодий кўрсаткич сифатида ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, АҚШ ва Японияда ЯИМ эмас, балки ЯММ асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Аммо, БМТнинг миллий ҳисоблар тизимида ЯИМ бирламчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ва Ялпи миллий даромад (ЯМД) мамлакатнинг маълум муддат (одатда, ой, чорак, йил) ичида умумий иқтисодий фаолиятини тавсифловчи якуний макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири. (уларнинг мамлакат ҳудудида ёки унинг ташқарисида ишлаб чиқариш омиллари туфайли юзага келишидан қатъи назар) умумий йифиндисини ифодалайди.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётида мамлакатлар ўртасида капиталнинг оқувчанлик даражаси ғоят юқори. Натижада бир мамлакат капиталининг қандайдир бир қисмидан хорижда фойдаланилади. Айни пайтда эса мамлакатнинг баъзи активлари (корхоналар, қўчмас мулклар, қимматли қоғозлар) хорижий фуқаролар ва фирмалар (норезидентлар) нинг эталигида бўлади. Норезидентлар ўз мулкларидан олган даромадларининг бир қисмини ватанларига олиб кетиши туфайли ялпи ички маҳсулот миқдори билан тегишли мамлакат ихтиёридаги амалдаги ялпи даромад (ЯММ) миқдори бир-бирига тенг келмай қолади. Шу боис ялпи ички маҳсулотта мамлакатга унинг чет эллардаги ўз фуқаролари мулкидан тушган даромадларни қўшиб, мамлакатдан чиқиб кетган чет элликлар даромадларини чегириб ташлаш керак. Чет эддаги мулклардан тушган даромадлар сальдоси ижобий бўлса ЯММ ҳажми ялпи ички маҳсулотдан кўп, аксинча ҳолатда кам бўлади.

Яна бир макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири Соф миллий маҳсулот (СММ). Соф миллий маҳсулот - муайян давр давоми (одатда ой, чорак, йил)да мамлакат иқтисодий фаолиятининг умумий яқунларини тавсифлайдиган ко‘рсаткичлардан бири; ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)дан тегишли даврда исте’мол этилган асосий капитал қиймати чегирилиб аниқланади. Соф миллий маҳсулот қиймати ҳам миллий ҳисоблар тизими услублари асосида ҳисоблаб чиқилади. Назарий жиҳатдан олганда Соф миллий маҳсулот хўжалик фаолияти

натижаларини ЯИМ ва ЯММга қараганда аниқроқ ҳисоблаш имконини беради, чунки у тегишли даврда яратилган қийматни ҳисобга олади. Лекин амалиётда Соф миллий маҳсулот ҳисоб китобларидан ЯММга қараганда камрок фойдаланилади, бу эса истеъмол этилган капитал қийматини аниқ ҳисоблашнинг мураккаблиги билан боғлиқ.

Соф миллий маҳсулотдан эгри солиқлар чегириб ташлангандан қолган қисми Миллий даромад (МД) дейилади. Миллий даромад янгидан вужудга келтирилган қийматни ифодалайди.

Ушбу мақолада юқорида такидланган мақроиқтисодий қўрсаткичларнинг бири бўлган ва иқтисодий соҳада кўп қўлланиладиган ЯИМ тўғрисида тўхталамиз, таҳлил қиласиз ва уни такомиллаштириш борасидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдирамиз.

### Таҳлил ва натижалар

Ялпи ички маҳсулот мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган асосий мақроиқтисодий ко‘рсаткич ҳисобланади. Мамлакат худудида жойлашган барча корхоналар (чет эл ва қо‘шма корхоналари ҳам шу ҳисобга киради) томонидан жами ишлаб чиқариш ресурслари билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидағи ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими қўрсаткичлари асосида ҳисоблаб чиқиласи, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини макродаражада тавсифлаш ва таҳлил этишда қўлланилади.

Ўзбекистон иқтисодиёти 2023 йилда 6 фоизга ўсиб, 1,07 квадрилион сўмни (90,8 миллиард долларга яқин) ташкил этди. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 28,98 миллион сўмга (2468 доллар) етди, деб хабар бермоқда Статистика агентлиги.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш динамикаси\***

	1991 йил		2010 йил		2022 йил		2022 йил 1990 йилга нисба тан, АҚШ долл. %
	млд.с ўм	АҚШ долла рида, 1долла р 1,73 руб.	млд.сўм	АҚШ доллари да, 1доллар 1640 сўм	млд.сўм	АҚШ доллар ида , 1долла р 11049 сўм	
ЯИМ, млд.сўм	23,3	13,5	78 936,6	48,1	888341,4	80,4	595,5
ш.ж.қ-х, млд.сўм	10,3	6,0	21 251,3	13,0	208 809,2	18,9	315,0
Аҳоли сони,	20708	x	29123,4	x	35271,3	x	170,3

МИНГ КИШИ							
ш.ж.к-х, минг киши	12000	x	14226	x	17335,6	x	144,5
Жон бошига: ЯИМ, сўм	1190	653	2710,4	1652,7	25186,0	2279,5	349,1
ш.ж. к/х, ЯИМ, минг сўм	860	499,3	1493,8	910,9	12045,1	1090,2	218,3

\* Манба: Муаллиф томонидан ҳисобланган

Мустақиллик йилларида, яъни 1991 йилга нисбатан 2022 йилда Республика ЯИМ 13,5 млд.АҚШ долларидан 80,4 млд.долларга ёки 6 баробарга қўпайган. Шу давр ичидаги аҳоли сони 20,7 млн. кишидан 35,3 млн. кишига етган, аҳоли жон бошига ЯИМ деярли 3,5 баробарга ошган.

Жами ЯИМга нисбатан қишлоқ аҳолиси жон бошига 1991 йилда 72,3% (860:1190), 2022 йилда 47,8% (1090,2:2279,5)ни ташкил этмоқда. Бундан кўринадики қишлоқ аҳолиси жон бошига яратилган ЯИМ қиймати кейинги йилларда жами ЯИМ таркибида камайиб кетмоқда. Бу ерда шуни англаш керакки, биринчидан қишлоқ аҳолисининг бир қисми урбанизация туфайли шаҳарларга қўчмоқда, иккинчидан ЯИМ таркибида саноат ва хизмат қўрсатиш соҳалар ҳиссаси ошиб бормоқда

Ўзбекистон Республикасида ЯИМ 2018-2023 йилларда ўтган йилга нисбатан 2018 йилда 5,1%, 2019 йилда 5,5%, 2020 йилда 1,6%, 2021 йилда 7,4%, 2022 йилда 5,7%, 2023 йилда 6,0% ёки 2018-2023 йилларда ўртача 5,2%га ошган.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2030 йилга бориб “Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиши” Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида” ги 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармонида белгиланган. 2022-2030 йилларда, яъни 8 йилда бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, ялпи ички маҳсулотни икки баробарга ошириш учун ҳар йиллик ўсиш 9 фоизни ташкил этиши керак, бундай ривожланишга эришиш ҳозирги даражадаги ўсишга нисбатан қиёслангандан анча мураккаб, бироқ эришиш мумкин бўлган жараёндир. Бордию, ушбу даражага эришганимизда ҳам ҳали қўшни давлатларга тенглашишга анча бор, масалан жон бошига ЯИМ ҳозирги кунда Россияда 12 минг, Қозоғистонда 10 минг, Туркманистанда 7 минг АҚШ долларини ташкил этади. Марказий Осиёда биздан Қирғиз Республикаси ва Тожикистон орқада, холос.

Умуман олганда, ялпи ички маҳсулот ўта материалистик тушунча, унинг ягона мақсади - юқори даражали иқтисодий қўрсаткичга эришиш. Лекин, бу ўсиш аслида мамлакат миқёсида аҳолининг турмуш даражасини бир текс оширяптими? Бу бошқа масала. Охирги йилларда дунёда ялпи ички маҳсулот бўйича биринчи ўринда турадиган Америка қўшма штатларида бу шубҳа остига олина бошланган.

Кўплаб таҳдилчиларга кўра, ҳа, иқтисод ривожланяпти, лекин оддий америкаликлар, аксинча, қашшоқлашиб боряпти. Мамлакатдаги бойлик аҳоли ўртасидаadolatsiz тақсимланади, тенглик даражаси ёмонлашгандан ёмонлашяпти деган тушинчалар бор.

Оддийироқ қилиб толиб қарайдиган бўлсак, маҳалламиизда бир бойвачча оила бор. У ҳашаматли саройда яшайди. Бу йил унинг машиналари сони учтага етди. Бутун дунёдаги каби, Ўзбекистон иқтисоди буни яхши кўрсаткич дея йиллик ҳисоботга киритади, чунки мамлакатда учта қиммат машина иқтисодиётга кириб келди. Лекин, маҳалладаги машинаси йўқ одамлар аҳволи ҳисоботда акс этмайди - улар жамоат транспортида ишга қатнашда давом этади.

Бундан ташқари, ялпи ички маҳсулот ҳисобланганда, унинг иқлимга таъсири ҳисобга олинмаяпти. Яна бир мисол. Айтайлик, сиз тоғли ва ўрмонли Бостанлиқ тумани худудда яшайсиз. У ерда бир жойни дараҳтлардан тозалаб, текисланиб, катта меҳмонхона қуридингиз. Тўғри, бу иш ўринларини яратади, ялпи ички маҳсулот ошади, лекин иқлим-чи? Унга бўладиган таъсир ўлчанадими-йўқ?!

Яна бир мисол, Сирдарё вилояти Сардоба сув омборида тошқин юз берди, ҳукумат қайта қуришга миллиардлаб пул сарфлади ва бу харажат ялпи ички маҳсулотни кўтарди, лекин шу билан биргаликда, ЯИМни ҳисоблашда одамлар уйидан, ишидан, ҳаётидан айрилгани ҳисобга олинмади.

Энди дунё миқёсида иқтисодий эксперталар, ўзгараётган дунёга мос, табиий заҳираларни асрайдиган, инсон фаровонлиги ва тентсизликни ҳисобга олишни мақсад қилган янгича усулни ўйлаб топишни таклиф қилишмоқда. Чунки, ялпи ички маҳсулот тоза ҳаво, соғлик, умр қўриш муддати, жинслар тенглиги, аҳоли бойлиги тенглиги орасидаги фарқ, имконият, таълим ва кўплаб бошқа жиҳатларни ўзида акс эттирмайди.

1970-йилларда Бутан қироллиги ялпи ички маҳсулот андазасидан воз кечиб, Ялпи миллий баҳтни (Gross national happiness) ўлчай бошлаганди. У нафақат руҳий осоиишталик, балки уйингиздаги телевизорлар сонидан тортиб, вақтни қандай унумли ўтқазишингизни ўлчайди. У ялпи ички маҳсулотга муқобил деб кўрилган илк тизим бўлганди.

2014 йилда тадбиқ қилинган Яхшироқ ҳаёт индекси (Better life index) 11та омилини назарда тутар экан: уй-жой, даромад, иш, маҳалла, таълим, табиат, фуқаровий фаоллик, соғлик, ҳаётдан мамнунлиқ, хавфсизлик, ҳамда иш ва ҳаёт ўртасидаги мувозанатнинг барчаси тарозига тортилади. Қизиги, ҳар бир давлат ўзидағи қадриятларга мослаб, бир омилини иккинчисидан юқори қўйиши ҳам мумкин.

Эндилиқда аҳоли тараққиёти даражасини белгилашдаги иқтисодий кўрсаткични ҳисоблаш усули, бизнинг фикримизча, бошқачароқ бўлиши керак. Чунки кейинги даврларда аҳолининг тараққиёт даражасини белгиловчи мезонларнинг ўзгачароқ кўрсаткичини жаҳон олимлари тавсия этишмоқда. Хусусан, АҚШнинг ўзидағи қатор штатларда Асл тараққиёт кўрсаткичи (Genuine progress indicator) ўлчаниб келмоқда. У ялпи ички маҳсулот омилларига қўшимча ҳолда, жиноят кўлами ва озон кенгайиши қанчага тушаётгани ва ҳатто ишга бориб келиш учун йўлда қанча вақт сарфланишини ҳам ҳисобга олади.

Иқтисод бўйича Нобель мукофоти совриндори Жозеф Стиглицнинг огоҳлантиришича, агар дунё лидерлари ялпи ячки маҳсулотга мубталоликларини тўхтатишмас экан, иқлим таҳди迪 ва молиявий тенгсизликка қарши курашиш, ҳамда демократиянинг таназзулини тўхтатиш жуда қийин бўлади.

### **Хулоса ва таклифлар**

#### **Хулосалар:**

1.Мустақиллик йилларида, яъни 1991 йилга нисбатан 2022 йилда Республика ЯИМ 13,5 млд.АҚШ долларидан 80,4 млд.долларга ёки 6 баробарга қўпайган. Шу давр ичida аҳоли сони 20,7 млн. кишидан 35,3 млн. кишига етган, аҳоли жон бошига ЯИМ деярли 6 баробарга ошган.

2.Жами ЯИМга нисбатан қишлоқ аҳолиси жон бошига ЯИМ 1991 йилда 72,3% (860:1190), 2022 йилда 47,8% (1090,2:2279,5)ни ташкил этмоқда. Бундан кўринадики қишлоқ аҳолиси жон бошига яратилган ЯИМ қиймати кейинги йилларда жами ЯИМ таркибида камайиб кетмоқда.

3. 2022-2030 йилларда, яъни 8 йилда ялпи ички маҳсулотни икки баробарга, аҳоли жон бошига 4 минг АҚШ долларига етказиш учун ҳар йиллик ўсиш 9 фоизни ташкил этиши керак, бундай ривожланишга эришиш ҳозирги даражадаги ўсишга нисбатан қиёсланганда анча мураккаб, бироқ эришиш мумкин бўлган жараёндир. Бордию, ушбу даражага эришганимизда ҳам ҳали қўшни давлатларга тенглашишга анча бор, масалан жон бошига ЯИМ ҳозирги қунда Россияда 12 минг, Қозогистонда 10 минг, Туркманистанда 7 минг АҚШ долларини ташкил этади. Марказий Осиёда биздан Қирғиз Республикаси ва Тожикистон орқада, холос.

#### **Таклифлар:**

1. Ялпи ички маҳсулот ўта материалистик тушунча: Уни қўллашдан асосий мақсади – мамлакат миқёсида юқори даражали иқтисодий қўрсаткичга эришиш. Лекин, бу ўсиш аслида инсонлар ўртасидаги турмуш даражасини бир текс равища ошаётганлигини ифодаламайди. Бундан ташқари табиий иқлим шароитининг таъсири қай даражада эканлиги ҳам ўз аксини топмайди.

2.Ааҳоли тараққиёти даражасини белгилашдаги иқтисодий қўрсаткични ҳисоблаш усули бизнинг фикримиз бошқачароқ бўлиши керак, чунки кейинги даврларда аҳолининг тараққиёт даражасини белгиловчи мезонларнинг бошқачароқ қўрсаткичини жаҳон олимлари тавсия этишмоқда. Хусусан, АҚШнинг ўзидағи қатор штатларда Асл тараққиёт қўрсаткичидан (*Genuine progress indicator*) фойдаланиб келмоқда. У ялпи ички маҳсулот омилларига қўшимча ҳолда, жиноят қўлами ва озон кенгайиши қанчага тушаётгани ва ҳатто ходимга ишга бориб келиш учун йўлда қанча вақт сарфлашини ҳам ҳисобга олади.

3. 2014 йилда тадбиқ қилинган Яхшироқ ҳаёт индекси (Better life index) 11 та факторни назарда тутар экан: уй-жой, даромад, иш, маҳалла, таълим, табиат, фуқаровий фаоллик, соғлиқ, ҳаётдан мамнунлик, хавфсизлик, ҳамда иш ва ҳаёт ўртасидаги мувозанатнинг бари ҳисобга олинади. Энг аҳамиятлиси, ҳар бир давлат ўзидағи қадриятларга мослаб, бир омилини иккинчисидан юқори қўйиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил

7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

2. Мирзиёев Ш.М. 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон Фармони. «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида.

4. Pol A. Samuelson, Vilyam D. Nordxaus. Ekonomika. Perspektiv. – M.: Infra – M, 2000. 442 s.

5. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник.-7-е изд.перераб. и доп. –M.: Дело и сервис, 2007. 25 с.

6. Васильева А.В. Макроэкономическая статистика и национальное счетоводство. М.: МЭСИ, 2015 й.- 123-б.

7. Фойибназаров Б. К., Ахмеджанов К.Б. Ялпи ички маҳсулотни ҳаражатлар усулида ҳисоблашни такомиллаштириш//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил.

8. Фойибназаров Б.К. Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар тизимини ишлаб чиқишининг илмий-методологик асослари. (статистик аспект) и.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Т.:ТДИУ.2006.32 б.

9. Золотачук В.В. Макроэкономика. Учебник. – М.: Инфра –М, 2014. 107 с.

10. Мамбетжанов Қ.Қ. Ялпи ички маҳсулотнинг ҳаракат босқичларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш йўналишлари// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012 йил.

11. Мамбетжанов Қ.Қ.Ялпи ички маҳсулотни ҳаражатлар бўйича ҳисоблаш усулини такомиллаштириш йўллари // Иқтисод ва молия Т.:2017, 9-12 б.

12. Маткаримова И. А. Ялпи ички маҳсулот ҳажмини баҳолаш усуллари (миллий ҳисоблар тизими асосида) // Молодой ученый. – 2017. – №16.2. – С. 16-19. – УРЛ <https://moluch.ru/archive/150/42520/>.

13. Носова С.С. Макроэкономика. Учебное пособие – М.: КНОРУС. 2014. 331 с. 12.

14. Рустамов Н.И.Ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи тўғрисидаги илмий назариялар ва унинг ҳисобланишига доир мулоҳазалар. //“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 йил.

15. Тиллаев А. Социально-экономические проблемы села в условиях перехода к рыночной экономики. Самарканд, «Зарафшан», 1993 г. стр.69.

16. Хамракулова О.Д., Халмурзаев М.,Аликулов С.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланишига хорижий инвестицияларни жалб қилишининг муаммолари. // Iqtisodiyot, moliya va innovatsiyalar xalqaro ilmiy jurnali. 2023-12-29. 4-сон. <http://sbtsuejournals.uz>

17. Народное хозяйство СССР в 1989 г. стр.6,418.

18. Народное хозяйство Узбекской ССР на 1990 г.

